

Qishloq

НАУОТ

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№41 (6.566). Sotuvda erkin narhda

БУГУНГИ СОНДА

ФЕРМЕРНИ
КЎЙНАЁТТАН
МУАММО

(1-2-саҳифаларда)



ЯНА
СОҲИБҚИРОВ
ҲАҚИДА
(4-саҳифада)

ФАРЗАНДИНИ
КЎМСАГАН ОНА

(4-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. Кўйдагилар қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

суғорма деҳқончилиги ҳамда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шартинда мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юрutiш тизимини ривожлантириш;

қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўлини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш;

хўжалик юрutiшнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шакллари сақлаб қолиш, истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналиш сифатида белгилаш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг тақлифларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини умумлаштириш асосида жорий йилга пахта ва дон етиштириш прогноз кўрсаткичлари республика ва минтақалар даражасида белгиланади;

б) қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари хўжаликларининг иқтисодлашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ хўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштирадilar;

в) хўжалиқлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хошига кўра тасаруф этидилар.

Ўзбекистон Республикаси Қиш-

лоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Фармоннинг мазкур бандидан келиб чиққан ҳолда амалдаги барча низоми ва меъёрларни қайта кўриб чиқсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий шакли сифатида ижара муносабатлари кенг ривожланишини таъминласинлар. Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда 2004 йилдан бошлаб барча ширкат ва фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тақлифлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари фермер хўжаликлари тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш жараёнида кўйдаги принципал қоидаларга амал қилсинлар:

фермер хўжаликлари, қоида тариқасида, тугатиладиган зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;

фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бириктириш ҳуқуқи билан барпо қилинади;

ер майдонлари фермерларга танлов асосида элик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилди;

фермер хўжаликлари берилган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансида чиқарилади;

фермер хўжаликларини шакллантириш учун ер майдонлари қишлоқ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида Низом билан белгиланади;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузилдилар;

фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қончилигига мувофиқ меҳнат шартномаларига асосланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан бирга икки ой муддатда кўйдагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

маҳаллий шароитларни, қишлоқ хўжалик ерлари, меҳнат ресурслари мавжудлигини ҳамда ширкатларни қайта ташкил этиш натижасида бўлиб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш истиқболларини чуқур таҳлил этиш асосида вилоят ва туманлар бўйича яқин йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси;

2003-2005 йилларда қишлоқда замонавий ривоз инфратузилмасини комплекс ривожлантириш Дастури.

6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тубдан шаклига ўтказиш зарур деб ҳисоблансин, бунда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тақсимотчилик вазифаларидан озод қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан воз кечиш назарда тутилсин.

Кўйдагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини ўтказиш;

замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этиш;

қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий принциплардан ҳавза принципларига ўтишни кўзда тулуви сув ресурсларини бошқариш, шунингдек суғорма сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада татбиқ қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппарати тузилмасида кўйдаги муаммоларни ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблансин:

- пахтачиликни ривожлантириш;

- галлачиликни ривожлантириш;

- сабзавот-полид экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;

- чорвачиликни ривожлантириш;

- ер-сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимеллаштириш.

Тегишли тармоқларни ислох

қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ таъясирлар ишлаб чиқиб Кенгашларнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин.

Мазкур Кенгашлар таркибига жамоатчилик асосида етакчи мутахассислар аъзо бўлиб кирадилар. Кенгашларнинг раислари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳайъатининг аъзолари ҳисобланадилар.

Кенгашларнинг барча таъясирлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг мажлисларида муҳокама этилиши лозим, унинг қарорлари ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Кенгашлар ишчи органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда тегишли ташкилотлар билан бирга кўйдагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бўлимлари тўғрисидаги янги низомилар;

фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат)нинг янги намунавий уставлари. Ушбу низомиларни тайёрлаш чоғида қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, ҳар бир бошқарув ва хўжалик юрutiш субъектининг вазирига ҳамда мажбуриятлари аниқ чегаралаб қўйиши, ширкат хўжаликларидан кадрлар масалаларини ҳал этишнинг демократик шакллари, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг жорий фаолиятига маъмурий аралашувага барҳам бериш кўзда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларни қайта ишлаб чиқин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда янги намунавий шартномаларни белгиланган тартибда тасдиқласин.

Мазкур шартномаларда кўйдагилар кўзда тутилсин:

асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотни етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларига устувор мавқеи;

томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:
Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрель кунин Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига кўйдаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

4. «Банкротлик тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. «Банк сирин тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

6. «Жамоат фондрлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

7. «Ўзбекистон Республикаси Қуруллой Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

9. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

4. «Банкротлик тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. «Банк сирин тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

6. «Жамоат фондрлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

7. «Ўзбекистон Республикаси Қуруллой Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

9. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.



Баҳамлда қўли гул, мохир хунарманд усталар қўллаб топилади. Улар ясаган турли буюмларни миқозлар доимо хушнудлик билан қабул қилишади. Хунарманд уста Абдуқайюм Каримов ясаган нарсалар доимо харидордир.
СУРАТДА: уста Абдуқайюм Каримов миқозлар Фарход Зарипов ва Абдуқайюм Норбўтаевлар билан бирга маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ҚОНУННИ БУЗМАНГ, ҚОҚИЛМАЙСИЗ

Бугунги кун деҳқони аввалги колхозчи эмас. Энди унинг дунёқараши ҳам, ерга эгалик қилиш ҳисси ҳам бутунлай бошқача. Ердан қандай фойдаланиш кераклигини қилган меҳнатига яраша қанча ҳақ олишини деҳқон энди яхши тушунади. Ҳозир қайси бир деҳқон билан гаплашиб кўрманг, фермер бўлиш истагида юрганини кўрасиз.

Яқинда қосонсойлик ана шундай инсонлардан бири билан танишиб қолдим. Узини Ёқубжон Аҳмедов деб таништирган бу киши йигирма беш йилдирки шу соҳада меҳнат қилиб келаркан.

«Шунча йил далада ишлапмиз-у, тайинли даромад кўрмаймиз-да ука, - дейди Ёқубжон ака. - Энди фермерликда омадимни синаб кўрмоқчиман. Деҳқоннинг қосаси о қарадиган кўнлар келди, ажабмас, мен **МУАММО** ҳам бойиб кетсам.

«Фермерликни ҳам ўзига яраша ташвишлари бор, ака. Буни сиз мендан кўра яхшироқ биласиз.

«Биламан. Дунёда осон иш бор эканми? Шунча йил орттирган тажрибамизни энди шунга сарфлаймиз-да. Илгари деҳқонни қўллаш у ёқда турсин, ишлаши учун тузукроқ шароит яратиш берилмаган. Ҳозир ишлайман деганга етарлича шароит бор. Бўғи деҳқоннинг ғайратига боғлиқ...

«Ёқубжон ақанинг гапларида жон бор. Бугун деҳқонларимизга ҳар томонлама имконият яратиш берилляпти. Айниқса, фермерларга.

«Бугун республикада 72 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, - дейди Ер ресурслари давлат кўмитаси бошқарма бошлиғи Мухторжон Шожалилов.

(Давоми 2-бетда)

КУРАШИМИЗ ФАХРИЙЛАРИ

Юртбошимиз саяҳаракатлари туфайли ўзбек кураши жаҳонга юз тутди. 2000 йил 30 январини... «Ойнаи жаҳон» орқали кекса полвонлар ўртасидаги биринчи мамлакат чемпионатини кузатиб ўтирибман.

Балалик хотиралари кишини алдамас экан, оппоқ

ПОЛВОН БОБО

соқоли кўксига тушган кекса полвоннинг чапдаст ҳаракатларидан қачонлардир завқ олганимни эсладим: «Ие, Жумакул бобом!» - юрагим хапқириб кетди, негадир иккиландим. - Йў-эй, полвон бобони кечагина қишлоқда кўргандим, бир кунда... Помук қаерда-ю, Тошкент кай манзилда, нуруний кишилар бир-бирига ўхшади, бошқа кишидир, лекин ҳаракатлари жуда ўхшаб кетаркан».

(Давоми 4-бетда)

ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ ШАРТ!

Меҳнатқаш ўзбек деҳқони етиштирган оқ олтин собиқ шўролар даврида ҳам хорижга чиқар эди. Бирок, барча юмушлар ўзимизда бажарилиб, тойланган тала Россия ва Украинага олиб кетилар ва маъълум қисми уларнинг маҳсулотни эканини тасдиқловчи ёрлик билан хорижга чиқариладди. Оқ пахтанинг қора захмат захрини чекаётган деҳқоннинг, поёнсиз пахтазор - Ўзбекистоннинг номи эса ҳеч қаерда тилга олинмас, боз устига боқиманда, деган лаънат пардаси ортида мунгайиб қолаверарди.

Мустақиллик ана шу ёлгонларни фош қилди, қора тўсинларни парчалаб ташлади. Жаҳон «Ўзбекистонда тайёрланган» деган ёрликларга боқиб, оқ олтин етиштириладиган жаннатноманд юрт борлигини билди. Бундан **ТААССУФ** фахрланмай бўладими.

Каттақўрғон «Пахта» хассадорлик жамиятининг ташкил этилиши узоқ тарихга эга. Манбаларга кўра, унга 1881 йилда инженер Юдович томонидан асос солинган. Корхона ўтган 122 йил давомида қанча мураккаб йўлни босиб ўтмади, Бошидан қандай қора кўнларни кечирмади, дейсиз. Афсуски, асрий тарихга эга бўлган, бир умр пахта толаси тайёрлаб, хўжайинларга тортиқ қилиб келган корхонани, унинг темир иродали жамоасини Каттақўрғондан нарида ҳеч ким танимади, бир кимса йўқламади.

Бугун заводда 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ҳозирда уларнинг қадок қўллари билан тайёрланётган сифатли тала тойларни Америка, Франция, Италия, Сингапур, Буюк Британия, Белгия, Швейцария, Корея, Австрия сингари ўнлаб мамлакатларга ўзларининг, ўз она-Ватанларининг номи билан экспорт қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Мамлакатимизда ҳуқуқ тизимига олиб борилаётган ислохотлар, энг аввало, соҳада туб зийлишлар ясаш учун имконият туғдирмоқда.

Қолаверса, мавжуд қонунларимизда рўй бераётган аниқланишлар эса, уларнинг ҳақчил бўлишини таъминляпти. Қонунларнинг фуқаро-

ЧЎПОН ШАЪНИГА ДОҒ ТУШИРДИ

ларимиз манфаатларига янада яқин бўлиши эса, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини мустаҳкамляпти. Мазсуллик ҳиссини ортттиради. Шундай бўлса-да, турли хил кингир йўллар билан фойда орттириш, мўмай даромад излаш, нафсини жилволай олмастик, қонунларга риоя этмаслик, уларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиш каби ҳолатлар учраб турибди.

(Давоми 2-бетда)

ТЕМИРОВНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Нўъмонхон ака Темиров билан деҳқон ва фермерлар уюшмаси вилоят вакилликга учрашиб қолдик. Нўъмонхон ака Чортоқ туманидаги «Чортоқ-Барака» фермер хўжалиги бошлиғи. Тадбиркор, уddaбурон одам.

У киши билан бундан икки йил муқаддам кўришгандик. Ушанда Нўъмонхон ака ерини кенгайтириб беришларини сўраб туман ҳокимлигига бир эмас, бир неча бор мурожаат қилганини, лекин у ердаги масъул кишилар ёрдам беришни истамаётганликларини ачиниш билан айтиб берган эди. Унинг ўша гапларини эсладигу:

-Қалай, ер олдингизми?

-деб сўрадик. **ЖАРАЁН** дейди таасуф билан Нўъмонхон ака.

«Уша-ўша. Туман «катта»ларига тушунтириб бўлмапди. Нўъмонхон ака, таъбир жоиз бўлса, вилоятнинг энг нешқадам фермерларидан. Унинг фермер хўжалиги вилоятдаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига зотли гунажинлар етказиб бериш билан бирга сут ва гўшт ҳам сотади.

«Чортоқ-Барака» 1994 йилда ўз фаолиятини 45 бош чорва билан бошлаган эди. Бундан ташқари 70 бош қўй, бир бош оти ҳам бор. Агар ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлса, фермер хўжалиги йилни 54 миллион 987 миң сўм даромад билан якунлади. Шундан соф фойда 17 миллион 416 миң сўмини, рентабеллик даражаси 31,7 фоизни ташкил этди.

«Ўтган йили режадаги 130 тонна ўрнига 230 тонна сут ишлаб чиқариб, бу борадаги режани 182 фоизга бажардик. Аҳолига 12 тонна ўрнига 17 тонна гўшт сотдик, - дейди Нўъмонхон ака.

(Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

СУВНИ КЎРМАЙ ЭТИК ЕЧГАНЛАР

ГОВМИЖЖАНИНГ

(Боши ўтган сонда)

Келин эшитмайди, телефондан бўшамайди. Муборак ая ошқона эшити ёнига келиб, телефонда сузлашгаётган келинчага гаши келиб бироз қараб турди. У аса беларво, қайнонасига эътибор ҳам қилмайди.

Муборакнинг юрагига ўт ёқётган қўшинига ер остидан қараб қўйди. -Хўш, сен далолат қилиб қўйишди бўлиб Хадича, ўғлим давлат ишдаги одам бўлса, вақти-соати билан келиб қолар...

Мақсуд ҚОРИЕВ

Хўшнинг жойидами ўзи, жинни-пинни бўлиб қўлингиз, уят эмасми? Ёшнинг бир жойига бориб қолган бўлса ҳам ёш боланинг ишини қилсан-а? Аралашини ким қўйибди сенга!

(Боши 1-бетда)



Шу пайт бошловчи намойиш этилаётган лаважга изоҳ бера бошлади: -Пойтахтимиздаги "ЖАР" спорт мажмуида "Ўзбек кураши

ПОЛВОН БОБО

Жумакул бобо Ташкентдан қайтса-ю, сафар таассуротларини ўз оғзидан эшитишни кўмсайди. -Юртбошимизга раҳмат, - дейди сафардан қайтган Жумакул полвон, - у кишининг бевосита раҳнамолигида миллий курашимиз жокса-қўқиларга кўтариляпти. Ростини айтсам бизнинг курашдек даянгал, ҳалол олишувни ҳеч қаердан толомаймиз. Ёшим етмишдан ошди, минглаб муҳлислар кўз олдида нуфузли мусобақага қатнашганимдан юрагим тоғдек ўсди.

-Ё, отамнинг пири... Улоқчи тақлиб олган чавандози таъбул этишга ўринлар ҳам ниятига етолмайди, жарчи голибни эълон қилади. -Улоқ помукли Жумакул полвонда кетди-хей. Умрининг сазоқини ўн йиллигини яшаётган отахон вужудига ҳануз полвонларга ҳос мардоналик уфуриб турдиби: -Хаётим давомида ўтрик (ёлгон) гагирмадим, бировнинг хақиқа ҳиётан қилмадим. Қора меҳнатдан ўзимни четга олмадим. Хали бирон мамлакатда "Қарияларни қадрлаш йили" деган йил бўлмаган, юртбошимизнинг тантанилиги қаранг, бизлардан ҳамхўрликларини сира дарғи тулмайди, шундай замонда қариб бўладими, кетмон ушлаб сув тараш, этак боғлаб пахта теришга ярамаскада ёшларга яхши сўз, маслаҳат билан ёрдам бериш бурчимиз. Бизнинг Жумакул полвон ана шундай ажойиб инсон. Шунинг учун ҳам у кишининг бир маротаба сўхатиин олган киши қайта-қайта урашишни, ширин хотираларидан мириқиб тинглашни хуш қўриши, табиий. Абдунаби АБДИЕВ

БАҲОР АЙЁМИ ЭДИ

қўшини Хожибой чикди: -Ҳа, Муборак, ёв қувандек тезда келиб қолдинг. Рохат қилиб, еганинг олдинда, емаганинг ортинда ўғлингизни маза қилиб, невараларинга қараб иссиққона ўтираверсанг бўлмасмиди! Сенинг ўринида бўлсам...

ХИКОЯ Муборак Хожибойга қараб турди-да, кесатиб: -Энди келармишим, кечадан бери қаерда экан экан, - деди аңғичи келгандай. Шу вақт кўчада шов-шув бўлиб қолдию, машиналар кўшанининг қарсиллаб ёпилган овози эшитилди.

Мон. Сен оғасан, кеңира қол. Юр, олдида чиқ, Ҳамма қараб қолди. Ҳожимнинг ўзи ҳам шу ерда! Шу гапдан кейин Муборак у ёк-бу ёлчи тутаган бўлди-да, ҳақлига чиқиб, қўқина бола каби аралангандек бўлиб, ўғли томон юриб борди-да уни бағрига босди.



Бола кулгуси оламини чароғон этар.



Б.АКРАМОВ олган суратлар.

СПОРТ ОЛАМИДА

ДЕБЮТАНТИНГ ГАЛАБАСИ

Ўтган куни юртимизнинг 8 шахрида ўтказилган футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионатининг 2-тур беллашувлари олий лига дебютанти "Цементчи" жамоасига омад келтирди. Аввалги турда "Буҳоро" жамоасига қарши меҳмонда ўйнаган "Цементчи" футболчилари 1:1 ҳисобидаги дураг натижани қайд этди, муҳлисларни ажаблантирган эдилар.

ЭЛ НЕТИВ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Турмуш ташвишларига шу қадар ўралашиб қолганимизки, умримиз лаҳзалари қандай қилиб бир-икки сўм топсам-у, камим бут бўлса, дейиш билан ўтаётгандай. Ҳатто илму амалдан ҳам ёлғиз моддий манфаатдорлик кўзалеймиз.

қарашлар акс этган асарлар ёзилган ва ҳамон ёзилмоқда. Бундай йирик манбалар олдида "Сохибкироннинг қиличи" аталмиш мўжаз тўплам бир қарашда тарозини босмайдигандек туюлиши мумкин. Бироқ ундаги бадиалар ман таъшиб борганингиз сари, муболагамас-у, гўё ҳар бир мисралар кўнглингиздан, хотирингиздан жой олаётганини сезмай ҳам қоласиз.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 25 апрел, 2.8.16.23.30 май, 6.13.20.27 июн кунлари Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида соат 10-00да кимошди савдолари ўтказилади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ

- 1. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 4-уйда жойлашган "Гидро-Кувючи" шўъба корхонасининг қуйидаги мол-мулклари: -компрессор станция ПР-10/8, бошланғич нархи 1930286 сўм; -продольно-фрезерный станок Р-1000, бошланғич нархи 368669 сўм; -токарно-карусельный станок 1516Ф, бошланғич нархи 1439586 сўм; -токарно-винторезный станоклар (3та), ҳар бирининг бошланғич нархи 1217763 сўм; -координатно-сверлильный станок 2м31, бошланғич нархи 598922 сўм; -круго-шлифовальный станок 3к2284, бошланғич нархи 1581453 сўм; -пилозаточный станок М3-24, бошланғич нархи 1276614 сўм.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Азиза АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахру ШЕРМУHAMMAД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССАСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеанот комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирилар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43, котиблик - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Буҳоро - 8-365-22-848-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-617-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчи қўчаси, 32-уй. Реклама ва эълонлар матни учун бюротмачи жавобгар: Навбатчи: Х.ТОШХУЖАЕВ